

ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 19 март пайшанба
Сотувда эркин нархда № 58 (1839)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

АЙЛАНДИ МИЛЛАТЛАРНИ

ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

САХОВАТ

«ЭКОСАН» ҲИММАТИ

Наврў арасида «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани марказий шифохонасига икки юз минг сўмлик дори-дармон ва сувни тазалаб беручи «Эсперо» курилмасини инсонпарварлик ёрдами сифатида совға қилди. Шунингдек, Бахмал тумани шифохонасига ҳам саховат кўрсатилди.

Утган йил атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатлигини сақлаш тadbирларида фаол иштирок этиб, жойларда санитария, гигиена ҳамда аҳолини соғломлаштиришда жонқурлик кўрсатганларга ҳам жамғарманинг махсус дипломлари ва пул мукофотлари топширилди. Ана шундай совиқларга Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Фарғона вилоятининг Бувайда тумани, Қарши шаҳридаги «Қарлұқ-Богот» маҳаллалари сазовор бўлдилар.

АНЪАНАЛАР

САМАРҚАНД НОНИНИНГ ТАЪМИ

Ҳеч бир таърифга сизмайди. Уни бир бор татиған кишининг яна тановула қилгиси келаверади, — дейди ўз муҳбиримиз Гули Чехра. Шундан-да, меҳмондорчиликнинг бошланғичи ундан, яқин кишининг кузатгандаги ҳолатинга нон гувоҳ — ҳамроҳ бўлар, деб қўлга тутқазамиз. Келинчаларга илк бор нон тутқазмоқликнинг-да гаройиб сирини бор. Насибали бўлган деганлари бу.

Сизб бозорининг кўрки — нондан. Улуғбек расадхонаси ҳудудида новойилар шаҳарга кириб келувчиларни нон билан кутиб олади, кетувчиларни қўлда нон билан пешвоз чиқиб кузатиб қўйди. Шаҳарнинг истаган жойида нон бозорларини, расталарини кўриш мумкин. Уч-тўрт авлоди билан новойиллик қилганлар қанча.

Хуллас, ният холис — Самарқанд нонининг шухратини янада кенгроқ ёйиш ва меҳмонларга манзур қилиш керак. Бугунги шароитда новойилар уюшмаси ташкил этиб, керакли маҳсулотлар билан таъминлашда кўмаклашиш лозим. Шу мақсадда Самарқанд вилоят ҳокимлигида катта йиғилиш бўлиб ўтди. Унга шаҳарнинг катта-катта бозорларида нон билан савдо қилувчи новойилар тақлиф этилди. Тақлиф шу бўладики, новойилар уюшмасини ташкил этиши, шаҳарнинг гавжум жойларида алоҳида нон расталари, дўконлари қуриши, уларнинг озодлигига, ободлигига алоҳида эътибор қаратиши, новойиллик анъаналарини ёшларга ўрнатиш чораларини кўриши керак.

ИШОНМАЙСИЗМИ?

КЎЗ ГАВҲАРИ ҚЎЙИЛДИ

— Бу хабарни эшитиб биров ишонди, биров ишонмади, — деб хабар беради сурхондарёлик журналист Э. Мамажонов. Рост-да, ҳеч ким эшитмаган воқеа рўй берди Деновда. Шаҳардаги кўз касалликлари шифохонасига Мардон Қодир деган машхур дўхтир бор. Унинг таърифи бошқа вилоят ва республикаларга ҳам кетган. Шунинг учунми, бу шифохонага турли жойлардан беморлар келиб даволанишди.

Яқинда Сарносий туманидаги «Сўфий» жамоа хўжалиги ишчиси Абдумўмин Самадовнинг кўзини операция қилган бу дўхтир ҳеч иккиланмай унга суний кўз яғни кўз гавҳари қўйди. Кўнчилик ҳайрон. Чунки бундай мураккаб операциялар фақат Москвада амалга оширилади, деган гаплар юрарди эл орасида. Лекин деновлик кўз шифокорининг илк таърибаси муваффақиятли чиқди.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

ҚАРИБ ҚУЮЛМАГАН ОҚСОҚОЛ

— Андижон шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими ва Миллий ҳавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорликда ўтказилган «Тозалаш» тadbирини «оқ ажла»га охири тутишган кимсалар аниқланди, — дея таърихиятчимизга хабар берди Андижон шаҳар прокуратураси ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси Х. Муҳамедов. — Бу Суджаат кўчасидаги 94 уйда истиқомат қилувчи 67 ёшли Неймат ота Йўлбарсов бўлиб чиқди. Ёшини яшаган отахон ёшларни тўғри йўлга етказиш, маҳалла-қўйини катта-кичигига маслаҳат бериши, давраларнинг тўғрида ўтириши унинг муқаддам суъланган Генидий Пугаев дегани билан оғиз-бурун ўшиди. Хилма-хил мақом тутиб, катта миқдордаги сўб-хондлик моддасини «экспорт» қилишга ҳозирлик қўрди.

Энг ажабланилиши, у аввал ҳам жиноят содир этиб, умрининг беш йилини панжара ортида ўтказган эди. Ўрганган кўнги, ўртанса қўямас экан. Бу унга сабоқ бўлмади. Яқинда уйда гулмоланиб тинтув ўтказилганда полинг тасдиқан 11 та махсус полициячи қончаларга қабулланган 21 кг. 592 гр. қоратори топилди. Қариб қуюлмаган оқсоқол энди ўз ҳаётини билан қонуни олдига жавоб беради.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

«Соат милллари»ни Норқобил ЖАЛИЛ кузати.



Чанқовуз чаласиз, моможон
Кувончи бир тўйга чорлайсиз.
Дўмбира торидан кенг жаҳон
Бобожон, фалакка ўрлайсиз.

Сумалак пишади, элимнинг
Ер-осмон уйғонар кўйидан —
Хушқадам Наврўзой келиннинг
Баҳорлар гул сочар тўйида.

И. ХҲҲАЕВ (ЎЗА), Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратга олган.

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

НАВРЎЗНИНГ КАМАЛАК ЁҒДУЛАРИ

Наврўзи оламга умумхалқ байрами, дея таъриф берамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чиндан ҳам, ушбу улғ айём том маънода, юртимизда истиқомат қилаётган барча халқлар ва миллатларнинг севимли байрамини айланган. Таъбир жоиз бўлса, у Ўзбекистонда мустақкам қарор топган халқлар бирдамлигининг ёркин тимсолидир.

Чунки мазкур шодиёнага улар ҳам қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Байрам кунини пойтахтимизнинг Халқлар Дўстлиги саройи олдида ташриф бурюган юрдошларимиз бу ерда наинки ўзбек санъати, балки дунёнинг турли миллатларининг куй-қўшиқлари ва рақсларидан ҳам микириб баҳра олишлари мумкин бўлади.

Шу кунларда республика Байналмиал маданий марказида бу борада қизгин тайёргарлик қўриляпти. Режиссёр Александр Мансуров томонидан ишлаб чиқилган байрам режаси асосида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча маданий марказлар вакилларининг чиқишлариға кенг ўрин берилган. Томошалар «Жонажон Ўзбекистон» байрам увертораси билан бошланади. Шундан сўнг бутун концерт давомида Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Веселье палочки» номли ксилофонистлар ансамбли ҳамда пойтахтимиздаги «Юнош» рақс ансамблиари ўзбек, қозоқ, қирғиз, озар-

ҳида эътибор берилган. Энг асосийси, юртимизда яшаётган турли миллатга мансуб халқларнинг осуда ва фаровон ҳаёти, дўстлиги ва тотувлиги, тароватли санъати намойиш қилинади. Хусусан, «Марказий Осиё» қисмидан ушбу минтақада истиқомат қиладиган ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, тожик ва бошқа миллатларнинг санъатлари ўрин олган. «Кавказ» қисмида эса Кавказ халқлари куй-қўшиқлари янгради. «Қурраи олам» деб номланган томошалар чоғида эса бутун дунё халқларининг санъати бир лаҳза кўз ўнгимизда намён бўлади, дейиш мумкин. Чунки унда Латин Америкаси халқларидан тортиб, корейс, немис, грек, яҳудий, турк, ва бошқа миллатларнинг куй-қўшиқлари, рақслари ижро этилади.

Айни пайтда маданий марказлар вакиллари ана шу улкан тadbирга пухта тайёргарлик қўриляпти, республика Байналмиал маданий марказида машқлар ўтказишмоқда. Энг қувончлиси, миллатидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси Наврўзини ўзининг севимли айём, деб билади. Зотан, узаро тотувлик ва осойишталик барқарор юртининг байрамлари ҳам фазилати бўлади.

Кунини кеча эса республика Байналмиал маданий марказида Наврўзга бағишланган кўргазма уюштирилди. Ундан юртимизда яшаётган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, поляк, украин, дунган, уйғур ҳамда бошқа миллат ва элларнинг бетакрор тасвирий, амалий хўнарандчилик санъати намуналари ўрин олган. Шунингдек, шодиёналар арасида бу ерда Яқкасарой тумани ҳокимлиги билан биргаликда болалар уйлари тарбияланувчилари учун байрам дастурони ёзилди, ош тортилди ва кичкинтойларга турли совға-саломлар улашилди. Уларға атаб намойиш этилган концерт дастури, айниса, мароқли бўлди. Шу тариқа, марказ ходимлари Наврўзи айём арасида халқимизга хос бўлган хайр-саховат тadbирини амалга оширишди.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Жалқ сўзи» муҳбири.



Наманган шаҳридаги «Ўзэлектротерм» хиссадорлик жамияти нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади.

Собик Иттифоқ даврида ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Фақат фарқи шундаки, эски замонда маҳсулотнинг 100 фоизи давлат буортмаси асосида ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бунинг акси. Ҳозирги МДХ мамлакатларидан келаятган хомашё ва буортмалар тўхтаган, корхона зудлик билан цехларини қайта жиҳозлашга киришди. Қисқа фурсатда — бир-икки ой ичида хонадонларда, саноят корхоналарида фойдаланиладиган электр совутигичлар, ҳатто сўрувчи қурилмалари каби бир қатор халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шаҳар, вилоят миқёсидаги анжуманларда корхона муваффақиятлари эътироф этилиб, унинг раҳбарлари ишбилармонлиги, тadbиркорлиги тилға олинди, улар шаъниға илқ фикрлар билдирилди.

Бирок, корхона раҳбарлари дастлабки муваффақиятларини кенгайтириб бориш, бозор шароитига мос фао-

харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани боис корхонадан кетиб қолган одамларнинг бир қисми ўз иш жойларига қайтди. Муҳими, кейинги олти ой давомида оморбордаги тайёр маҳсулотлар ҳажми 9 миллион сўмға маймади. Лекин шунга

қарамай, аҳвол оғир. Оморборларда 30 миллион сўмдан зиёд тайёр маҳсулот ўз харидорини кутиб ётибди. Уларни қачон, ким олиб кетиши ҳозирча номаълум. Бундан ташқари, корхона солиқнинг ўзидан 52,1 миллион сўм қарз. Шундан 33 миллион сўминини қарзлар вақтида тўланмагани учун солинган жарима ташкил этади. Бугунги кунда корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами ҳам беркитиб қўйилган.

Кўриниб турибдики, бозор муносабатларини, аҳоли талаб ва эҳтиёлларини ҳисобга ол-

АЁЛЛАР ВА ҲУҚУҚ

Нукусда ана шу мавзуда семинар-кенгаш бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган бу анжуманда шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралори, тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Г.Аннақилчева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори А.Турсунов ва бошқалар ўз маърузаларида оила манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга кенгроқ жалб этиш, соғлом авлодни тарбиялаш, аёллар ҳуқуқий ва маданий савиясини ошириш масалаларига тўхтадилар.

Кенгашда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Гуломова сўзга чиқди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА муҳбири.

БАЙРАМ САЙЛЛАРИ

Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» ёпиқ турдаги пайчилик бирлашмасида кунини кеча чигитни плёнка остига экишга киришилди. Шу муносабат билан бу ерда Наврўз сайли бўлиб ўтди. Деҳқонлару чорвалорлар, вилоятнинг барча туманларидан келган меҳмонларға тўкин дастурхон ёзилди. Юнус Ражабий номидаги вилоят музыкали драма театри санъаткорлари сайлга фазй киритди. Томошалар қизиқарли кўпқарига улашиб кетди.

Тadbирда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев қатнашди.

Й. ЖҲҲА,
ЎЗА муҳбири.

«ЎЗДЭУ» АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН

Фарғона механика заводи Асақдаги «ЎЗДЭУавто» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган барча русумли автомобиллар учун дисклар етказиб беради. Томонлар келишувига мувофиқ, бу ерда йилга 1 миллиондан кўпроқ шундай диска ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус цех барпо этилмоқда. Янги тармоқ республика мустақиллигининг етти йиллиги арасида ишга туширилади. Бир юз элликка яқин киши доимий иш билан таъминланади.

Р. КАМОЛОВ.

ЭРТА ЭККАН, ЭРТА ЎРАДИ

Сурхондарёлик пахтакорлар бу ҳикматта амал қилиб мавсумда 30 минг гектар майдонда чигитни плёнка остига экишга киришмоқдалар. Тупроқда етарли ҳарорат тўпаланган ерларда экиш ишлари бошланиб кетди. Ангор, Шеробод, Бандихон, Олтинсой туманлари хўжалиқларида ҳозирдаёқ салкам саксон гектар ерга уруғ қадалди.

Ч. ТҲҲАЕВ.

ТЕРАКЗОРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Андижон вилояти Хўжаобод туманининг Модёрвон номидаги агросаноат бирлашмаси боғбонлари мевазор боғ ва тоқзорлар барпо этиш билан бирга терак экишга ҳам катта эътибор беришмоқда. Хўжалик ходимлари шу боҳорнинг ўзида йўллар, ариқлар четига, боғ ва тоқзорлар атрофиға 20 минг туп миззотерак кўчатлари экишни режалаштиришган. Байрам олдида ўтказилган шанбаликда улар 4 минг туп кўчат ўтказишди. Шундан бир ярим минг тупдан кўпроғи терак кўчатидир.

Умуман, туман хўжалиқлари, корхоналар ва ўқув юртлири меҳнат жамоалари янги аср бошларида маҳаллий бинокорлик материалларига эга бўлиш учун шу боҳорда 250 минг тупдан кўпроқ терак кўчати ўтказишни режалаштирган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ҳамма жойда терак етиштиришни ривожлантириш тўғрисидаги қарори чиққандан сўнг Хўжаобод туманида деярли 2 миллион 200 минг туп терак кўчати ўтказилди. Дастлаб ўтказилган дарахтлардан ҳозир қурилишда фойдаланилмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИ

Самарқандда «Ўзбекистон республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожининг асосий устувор йўналишлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Маъмур кенгаш республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, унда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган етакчи тadbиркорлар иштирок этишди.

Кенгашда Самарқанд вилоятининг давлат ва хусусий корхоналари мамлакатимиз экспорт қувватини ошириш йўлида фаол ҳаракат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бундай кенгашлар Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Абдуқошим МАДАТОВ,
«Жалқ сўзи» муҳбири.

МУСТАҚИЛ МОЛИЯ СИЁСАТИ – БУЮК КЕЛАЖАК АСОСЛАРИДАН БИРИ

Республикамиз Президент Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақудлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари бағишланган мажлисида барқарор тараққиётни кафолатловчи юксак ривожланган жамият барпо этиш муаммолари ҳақида фикр юритди.

лар арзон-гаровга хоризлик чакқон «ҳомийлар» ихтиёрига ўтиб бўлди. Янги хўжайинлар қўшининг энг қаҳратон қўнлариди ўз кароматларини кўрсата бошлади. Бир давлатда жаҳон бозори нархларининг юқори эканлигини рўқаб қилиб, ҳалқнинг даромад даражасини мулқаро эътиборга олман ҳолда баҳоларини оширишди. Бошқасинда эса ҳалқнинг руҳий ва молиявий тайёргарлигини эътиборга олмай, қатор соҳаларда бозор иқтисодиётига «қатта сарқаш» қилишди. Мулкнинг янги эгаларининг бундай хатти-ҳаракатлари давлатнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш бўйича интилишларига зид эканлиги кўриниб турибди. Янги хўжайинлар эгаллик қилаётган соҳа ва корхоналар шу мамлакатнинг молиявий мустақиллигини таъминлашга эмас, хўжайинларга хизмат қилиш ҳеч қимга сир эмас. Ён қўшинларимизда газ, сув, электр қуввати билан таъминлашдаги зулишларнинг муҳим сабабларидан бири шу ҳолат билан боғлиқдир.

Бизан сийсий мустақил, иқтисодий ривожланиш даражаси баланд давлатларнинг молиявий мустақиллигини қўлдан бой бериб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳодиса турли сабабларга кўра юз бериши мумкин. Хусусан, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Гонконг каби давлатларда 1997 йилнинг кузига қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ ҳодисалар шу давлатлар молиявий мустақиллигига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Айрим давлатлар, ҳатто халқаро молиявий идоралардан ўнлаб миллиард доллар миқдорда қарз олишга мажбур бўлди ва шу қарзни тўлаш қўлтуғунларига қалар амалда мустақил молия сийсати ўтказиш ҳуқуқини йўқотди.

Ҳа мисол бўла олади.

Сийсий барқарорлик, тотуликдан ташқари кенг халқ оммасининг амалга ошириладиган туб ислохотларга ишончи ҳам иқтисодий тараққиётга эришишни муҳим шарт ҳисобланади. Шунда жамиятни янгилаш учун бўлаётган ҳаракат айрим гуруҳ, раҳбариятнинг эмас, балки умумхалқ ҳаракатига айланади. Мустақилликка эришилгандан кейин маълум вақт янги жамият қуришнинг моделини яратишга кетиши табиий. Навбатдаги босқичда уни амалга ошириш лозим. Баъзи давлатларда бунинг ўрнига айрим гуруҳлар фақат ҳуқуқматта ишонсизлик тудғириш ҳаракатлари билан банд. Айрим мамлакатлар ҳуқуқматнинг ўзи муҳолифат қўлига шундай ишонсизлик учун дастак топиб бераётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Россия Федерациясида нефть билан боғлиқ йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёнида айрим молиявий гуруҳ ва банклар манфаатидан келиб чиқиб, объектлар нархи аслидан пақт белгиланганлиги бунинг далилидир.

Оқорид баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган энг муҳим ҳулоса шунки, **Ўзбекистон Республикаси сийсий мустақиллигини қўлга киритган қўнларда бошқарилган молия сийсати юрғути бошлад.** Ташқи ва ички таъсирлар домига тушиб қолмаслик учун раҳбарият жуда катта матонат, ақл-идрок, талбирорлик ва оқиллик билан иш юришди. Бизга «қаллик оғали» қилиш ниятида бўлган айрим сийсатдонлар жаҳон саҳнасига ўзига муносиб ўрин олиш учун курашга бел боғлаган янги давлат чикқанлигини қисқа фурсат ичида тушуниб етди ва бунинг биринчи навбатда Президентимиз тимсолида кўрди.

Эндики мустақилликка эришган давлатлар раҳбарларининг фақат ердан сўраб мурожаат этишларига ўрганиб қолган жаҳон молия сийсати корхоналари учун ҳам Президент Ислам Каримов позицияси мисли қўрилмаган ҳодиса эди. **Йўлбошчимизнинг ўзбеклар бировининг ёрдамига кўз тикиб шайдаган халқ эмас, биз сизлар билан фақат тег ҳуқуқини, ўзаро фойдали шарт-шароит асосида иқтисодий ҳамкорлик қилишга тайёризмиз,** дейиши халқаро молия, банк ва йирик фирма раҳбарлари учун мулқаро янгилик бўлди. Ҳолбуки, биз молия сийсатини улар хоҳлаган шаклда амалга ошириш мумкин эди. **Уша оғир қўнларда шундай молиявий ёрдамга муҳтожлик сезгандик.** Лекин улар белгиланган шартлар мустақил молия сийсати юрғутишимизга монелик қилар ва иқтисодиётни бизга лозим бўлган йўналишларда эмас, балки «мехрибонларимиз» хоҳлаган тарзда ривожлантиришга олиб келган бўларди. Улар эса яна бир ривожланган давлат пайдо бўлишидан манфаатдор эмас.

Айрим «доно»лар таъкидлаганидек, хоризликлар эвазига вақтинча фаровонлиқни таъминлаш учун Ўзбекистонда жуда катта имконият мавжуд. Нефть, олтин, қумуш каби қазилма бойликларимиз, жаҳон бозорига харидоригир маҳсулот чикаралидан ва чет эл фирмаларининг кўзини ўнатиладиган корхоналаримиз кўп. Аммо келажак авлод ҳаққи бўлган ва мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил қиладиган мол-мулк ва корхоналар хоризликларга сотилмади. Негаки, **буюк миллат келажакни, фарзандларига оғоз ва обод Ватан қолдиришни ўйлайди.**

Мамлакатимизда амалга ошириладиган чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида қисқа муддат ичида том маънода мустақил, тарихининг ҳар қандай ташқи ва ички синовларига дош бера оладиган, барқарор ривожланаётган давлатнинг иқтисодий асоси амалда яратиб бўлиниди. Мустақиллик йилларида қўрилган ва ишта туширилган корхоналар, барпо этилган янги тармоқ ва соҳалар иқтисодий мустақилликни мустақамлаш ишига хизмат қилмоқда. Негаки, уларни биз ўзимиз қўридик ва уларга ўзимиз эгаллик қилдимиз.

Кўриниб турибдики, шундай асосда барпо этилган давлатнинг янги таъкиднинг юқори турмуш даражасини тўла таъминлай олади. Том маънода мустақил давлатчилик асосларини яратишнинг «ўзбек модели» жаҳон жамиятига янги тўбора ўзига тартиб келмоқда, унинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш кенг қулоч ёймоқда. Йўлбошчимизнинг шундай қайта-қайта нашр этилаётганлиги, китобларининг жамоатчиликка таъқидим этиш маросимлари муҳим сийсий-иқтисодий оқоқлар қаторидан ўрин олаётганлиги шундан далолат бериб турибди.

Ҳар қандай ташқи ва ички «ил-зиллар» таъсир эти олмайдиган мустақиллик унғунлиги асосида барпо этилажақ барқамол жамият этиши мумкин. Бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун барака кетди, деб халқимиз бежиз айтмаган. Қоларем, жаҳоннинг баъзи давлатлари ва Ҳамдустликка кирувчи айрим давлатларнинг аччиқ таърибалари бундай

Одижон ОЛИМЖОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



БУ ЙЎЛЛАРДА ҲАЁТ БОР

Истасак-истамасак-да, ҳаммамизнинг умримиз, тиркичилигимиз йўлларда кечади. Мамлакатимизнинг «қон томирларига қиёсланувчи бу манзилларда ҳар куни ҳаёт қайнаб туради.

Кўни кеча Янгийул шаҳрининг қоқ ўртасидан ўтувчи йўлда галати бир воқеага гувоҳ бўлдим. Икки боласини етаклаб олган аёл йўл ўртасига бориб, бирдан тўхтади-да, фарзандларидан бирини дўконга бориб кел, дея югуртирди. Шунда рўпарадан келадиган машина ҳайдовчиси хайратлиқ хушёрлик қилиб эўрга автоуловини тўхтади ва ҳалиги аёлга қараб танабҳ оҳангиди «сингил, каттақон йўлда турибди-ку ахир, шу ердан юрсаң оҳангиди бўлмади» деганди, у бўлса жерик бериб: «бу меннинг ишим, хоҳласам катта йўлда, хоҳласам кичик йўлда юраман, тушундингми? Йўлнинг қолма!»

Бу кўнгилсиз гапларни эшитиб турган ДАН ҳодими ўша аёлни қаҳриб насихат қилди: «қайтаган сиз бу ҳайдовчига раҳмат айтмайсизми, опа? Худо сақласин, агар тормоз босолмай қолса нима бўларди?» Унинг жавобини қаранг: «ўзига қийин бўларди...»

Тўғриси, бу гапни эшитиб жуда галати бўлиб кетдим. Ана сизга, раҳмат ўрнига миннат, ҳатто таъна-дашном! Бундайлар орамизда йўқ дейсизми? Афсуски, кўп учрайди.

Бизнинг бўлимамиз Ташкент вилоятининг Чиноз, Галаба, Янгийул, Зангиота туманлари ҳамда Янгийул шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатади. 54 миңдан кўпроқ техника воситалари рўйхатга олинган. Ҳар куни юзлаб ҳайдовчилар билан юзма-юз келамиз. Турли хил ташвишлар баҳонасида гоҳо улар ўз дардларини ҳам айтиб қолишади. Уларнинг аксарияти кўп ҳолларда йўлчиларнинг оқдийгина қондаларни ҳам назар-писанд қилмаётганликларидан қуйинсалар, айримлари ўзбошимча ҳайдовчиларнинг қўпол хатти-ҳаракатлари қимматга тушаётганини ачинаиб гапиряшади. Бизлар эса ўз мижозларимизга ҳар қандай шароитда ҳам хушёр ва эътиборли бўлмоқларини қайта-қайта таъкидлаймиз. Айниқса ҳайдовчилик гувоҳномаларини топшираётганимизда улар учун ўша лаҳзадан эътиборан Ҳаёт аталмиш энг олий неъматнинг қадри ниҳоятда азиз эканлигини уқтираемиз.

Мени қувонтирган воқеа, ҳуқуқматимиз ҳаракат хавфсизлигига бутун эл-улуснинг эътиборини тортгани бўлди. Чунки кўнун тун йўлдамиз, миңг хил юмушлар билан кўчага отланамиз. Ёки ҳар биримиз уйдан чиқаётганимизда оқ йўл ва бехатар сафар тила-нишида жуда катта ҳикмат бор. Бу ёғун ниятлар йўлдошимиз бўлсин. Қоларем, бу бир олийк жийдий кўрик-тадбир йилларга татийдиган сабоқ бўлса, янаям нури бўларди.

Хусан ПЎЛАТОВ,
Янгийул туманларо рўйхатлаш
ва имтиҳон бўлиммаси бошлиғи.

ҚУТЛУФ КҮН ОСТАНАСИДА СЎЗ ВА ШЕЪР ДИЙДОРИ

ХОРАЗМДА НАВРЎЗ МУШОИРАСИ БОШЛАНДИ

Президентимизнинг да ёзган дилбар шеърларидан ўқиди. Наврўз мушоираси Янгибозор тумани, Бўзқалъа жамоа хўжалиги Маданият саройида, Абдулла Қодирий номидаги «Муштур» боғида бўлган учрашувларда қизгин давом этди. Унда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи Эркин Мадраҳимов, ўқитувчи-шоирлар Гаҳвар Ибодуллоев, Қодирбергян Сатторов сўзга чиқиб, уларнинг баҳор, севи, Наврўз ҳақидаги шеърларидан ўқиб, меҳнатқашларни хушнуд этдилар. Дастурхонларга тортилган суламук кўзаларга тўтиб бўлди. Ундан баҳор, Наврўз ҳиди келди.

Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юртида ўтказилган мушоиранида Матназар Абдулҳаким, Ошиқ Эркин сингари таниқли шоирлар билан бирга талабалар ҳам ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар. Мушоирани Шоир Эркин Воҳидов «Мустақиллик учун толега ҳар қанча шукроналар қилсақ арзийди. Тан олиб айтин керакки, Мустақиллик бўлмаганда, Хиванинг 2500 йиллик тўйи ҳам, Маъмур академияси ҳам қайтадан ташкил этилмагани аён эди. Йўлбошчимизнинг сый-ҳаракати билан мамлакатимизда улкан ишлар амалга ошяпти. Бунда хоразмликларнинг ҳам улкан ҳиссалари борлигини ҳар қадарда сезиб турибмиз. Бўлиб ўтган учрашувларда сўз ва шеър дийдорига чаққонлигимиз сезилди. Шоирлар меҳнатқашлардан, шеърят мухлисларидан қардор эканлигига амин бўлдик. Мустақил юртимизнинг навбатдаги янги баҳори бошланди, Наврўз эшик қоқиб турибди. Ҳаммамизга ана шу улуу байрам муборак бўлсин», дея яқунда




Республика Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов Президентнинг ишбу Фармони тарихий иш бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, академия нафақат Хоразм, балки Ўзбекистон фани ривожига бекидес ҳисса қўшаганига катта умид билдириди. Учрашув сўнггида шоир ўзининг баҳор, Ватан, Наврўз мавзуи-
Ж. АШУРОВ.

молиявий мустақиллик сари интилишларини чеклаш мақсадида янги-янги шакл ва воситалар ўйлаб топдилар. Масалан, ривожланган давлатлар ва йирик фирмалар маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш халқаро бозорини ўзаро тақсимлаб олишди. Бу соҳада тартиб-интизом ўрнатилмас олижаноб гоҳ остида турли халқаро савдо-иқтисодий ташкилотлар ҳам тузишди. Ёш, ривожланаётган давлатлардан бирида ҳар тарафлама сифатли, бежирим маҳсулот ишлаб чиқарилади, деб фарз қилайлик. Жаҳон бозорининг «хўжайинлари» янги маҳсулот эгасига улар билан келишмасдан, яъни даромадининг маълум қисмини биргалликда баҳам кўрмасдан, халқаро бозорга чиқишга имкон бермасликка ҳаракат қилади.

Юртин том маънода мустақил давлатга айлантириш учун жонини тикишга тайёр, билимдон ва фи-

Мамлакатнинг молиявий мустақиллиги интилишларини кўра олмайдиган қўнлар фақат ташқи дунё билан боғлиқ эмас. Айрим давлатларда мустақиллик эндигина оёққа туриб келётган пайтда мажбул бошқарилма баҳам кўрмасдан, халқаро бозорга чиқишга имкон бермасликка ҳаракат қилади.

Бу рўйхатга тушиб қолган Жанубий Корея тезда аввалги мақофини тиклаб олиши мумкин. Негаки, корей миллиятида ватанпарварлик ва Ватанинг истиқбол учун фидойилик жуда кучли. Ҳозир мамлакатда молиявий мавқени тиклаш бўйича



дойи инсонлар давлат раҳбарлигига келган юртларда жаҳон бозори «хўжайинларининг» бу тахлит макралаи иш бермайди. Пешонасига шундай раҳбарлар насиб этмаган халқлар эса молиявий қарамлик ис-канжасида қолиб кетаверилади.

Мустамлакачи давлат собиқ мустамлакасининг молиявий мустақилликка эришишига монелик қилмаган ҳолатлар ҳам бўлади, албатта. Лекин бу озоликка эришган давлатда ҳамма ишлар ўз-ўзиндан яхши бўлиб кетаверилади, дегани эмас. Негаки, мажбур юртин молиявий қарамликда ушлаб туришдан манфаатдор гуруҳлар бўлади. Айрим йирик фирмалар фаолияти бунга мисол бўла олади. Улар ёш, мустақил давлат бўлида улкан иқтисодий муаммолар кўндаланг турганда ердан бериш ноб-қоби остида пайдо бўлишади. Дейлик, улар ишлаб-ишламаётган электростанцияга ёки кўмир қонини тезла оёққа турғузиб юбориш тақдиди билан чиқяшади. Бир қараганда, тақдифи ўзаро манфаатли асосга эга. Аслида-чи? Шундай мураккаб масала юзасидан қарор қабул қилиш чоғида баъзан қўндалик ташвишлардан теароқ кутулиш учун ва фақат бугунинг ўйлаб хоризликнинг шартларига кўниб келажак авлоднинг мулкдан бебаҳар қолдириши ва ўз юртининг кўмир ёки электр қуввати билан таъминлаш, энг муҳими, уларнинг нархини белгилаш хоризлик «амакси»нинг қош-қовоғига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин.

Шу йўл билан айрим Ҳамдустлик давлатларида, таасуфки, баъзи қўндаларимизда ҳам мамлакат иқтисодий ҳаёти учун фавқулодда аҳамиятга эга бўлган стратегик қомаш қазиб чиқариш, алоқа, электр қуввати, халқ истеъмол моллари, саноят, қишлоқ ҳужалиги, оёқ-оёқат ишлаб чиқариш билан боғлиқ қатор корхона-

қайтмайдиган ички гуруҳлар ҳам юзата чиқяди. Бу гуруҳга уюшган янги-янги оғиллар, айрим оғиллик фирмалар, нопоқ амалдорлар киряди.

Давлат ҳокимияти кучида ва асоси бўш бўлган жойда мафия бош кўтради. Улар иқтисодиётда мустақилликни таъминлашга хизмат кўрсатадиган айрим тармоқ ва корхоналарни эгаллаб олишга ҳаракат қилишади. Уларга қарши курашиш осон эмас. Негаки, мафия қўлида нопоқ йўл билан тўплаган катта капитал бўлади. Бу капитал янги таъкидликка қарши курашадиган ҳокимият органларининг айрим нопоқ ҳодимларини сотиб олиш, янги-янгиларни энг илгор компьютер, алоқа ва ахборот воситалари билан таъминлаш, ўз одамларини хоризнинг илмий марказларига ўқиб ва иш ўрганиши учун юборишга сарфлагани мумкин. Аслида келажакни ўйлаган юртда қадрият тайёрлаш соҳаси давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланади.

Жиноятчилар ҳокимият органларининг маҳсул лавозимларига ишга кириб олган ёки давлат хизматчиларининг айримларини ўз йўлларида тортишга муваффақ бўлган жойда давлатнинг молиявий мустақиллигини ўйлаш хомхаёлдир. Масалан, «Труде» газетасининг шу йил 28 январь сонида ёзилишича, Россия ҳокимият тизимининг турли бўғинларида 100 дан ортиқ қриминал «авторитетлар» ишта қойилган ва ишламоқда. Улардан бири — йирик жиноятчи Коняхин эса шаҳар раҳбарлиги вазифасига таъин ботган.

Бозор иқтисодиёти инфраструктурасини шакллантириш жараёнида банк, солиқ, молия, халқаро ҳисоб-китоб операциялари, қимматли қоғозлар, айниқса, акциялар билан боғлиқ иқтисодий жиноятлар кўпаяди. Жиноятнинг бу турлари қарши курашиш мушкул. Негаки, жиноят-

умумхалқ ҳаракати бошлаб юборилди. Ихтиёри суратда тилла ва зебинат буюмларни йиғиш ва давлатга текинга топшириш бошланди. Бизга маълум «ДЭУ» концерни жамоаси ярим куннинг ўзида 45 килограм олтин йилди. Мамлакат бўйича бу рақам жуда катта миқдорни ташкил этмоқда.

Айрим юксак даражада тараққий этган давлатларнинг иқтисодий ривож маълум бир соҳаларигагина боғланиб қолган. Фақат турizm, қазилма бойликлар, хомашё етиштириш билан халқаро иқтисодий мақолада ўз ўрнини топган давлатлар бунга мисол бўла олади. Мажбур соҳаларга кескин таъсир кўрсата оладиган воқеаларнинг юз бериши (қонларнинг туғуши, қурғоқчилик ёки сув тошқини, сайёҳлик маршрутларининг ўзгариши ва ҳоказо) натижасида мамлакатнинг молиявий мустақиллиги асосларига оғир салбий таъсир этиши мумкин.

Шу нуқтага назардан қараганда, энг катта табиий бойликлар ҳам ҳамини молиявий тараққиётни таъминлашга етарли замин бўла олмайдди. Агар шундай бўлганда, Россия, Бразилия, Мексика, Аргентина каби давлатлар жаҳоннинг энг бой мамлакатлари бўлиши керак эди. Ҳолбуки, улар дунёда энг кўп қарзи бор давлатлар рўйхатининг бошида туради. Қазилма бойликлар дегарли бўлмаган Япония эса уларга энг кўп қарз берган давлатлардан бири. Бу урида изохга ҳожат бормикан? Шундай алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий-сий барқарорлик ва тотулик асосидagina жамиятда чуқур иқтисодий ислохотлар ўтказиш мумкин. Бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун барака кетди, деб халқимиз бежиз айтмаган. Қоларем, жаҳоннинг баъзи давлатлари ва Ҳамдустликка кирувчи айрим давлатларнинг аччиқ таърибалари бун-

“СУВЖИҲОЗГАЗ”



Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси

Ўзбекистон халқини энг қадимий ва миллий байрам

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан чин дилдан қутлайди
ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли
ислохотларга муваффақият тилайди.

БИЗ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗГА ҲАМИША ТАЙЁРМИЗ.

Мурожаат учун манзил: Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 26.
("Чкалов" метроси яқинида, 9 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган)

Тел.: 96-26-21, 96-06-87.

UZMAS M

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ СИЗ АЗИЗЛАРНИ
ЯШАРИШ ВА УЙҒОНИШ ФАСЛИ, БАҲОР АЙЁМИ

Наврўз

БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТИШ ШАРАФИГА МУЯССАР БЎЛГАНИДАН МАМНУНДИР!

Сахийлик ва меҳр-мурувват сифатлари зоҳир бўладиган Наврўз айёми муносабати билан 23-27 март кунлари тармоғимизга уланиш учун миждозларга қайта арзонлаштирилган нархларда хизмат кўрсатилади.

Тошкент шаҳри бўйича – фақат 100 \$
Ўзбекистон ҳудудида эса – фақат 200 \$

Тошкент шаҳридаги дистрибьютерларимизга эса қуйидаги манзил
ва телефонлар бўйича мурожаат қилинг:

- «Адамс» масъулияти чекланган жамият (М.Ч.Ж.) – «Тинчлик» метро бекати, «Оникс» дўкони, тел.100-01-71.
- Амир Темур номли М.Ч.Ж. – Сирғали савдо маркази-3, Амир Темур номли дўкон, Тел.58-71-71.
- «Аристон – Сервис» хусусий фирмаси (Х.Ф.) – «Фарғона йўли» кўчаси, «Ситора» дўкони (мўлжал «Рисовий» кўприги).Тел.100-31-29.
- «ART Co. Ltd» қўшма корхонаси (Қ.К.) – Фарҳод савдо растаси, 3-қатор, «Муборак опа» дўкони, тел.100-01-73, 100-07-26.
- «Berk Co Ltd» Қ.К. – Гавҳар – Юқоридарҳон кўчаси, 4 (мўлжал: Думбиробод – троллейбуснинг сўнги бекати), тел.100-81-93, 79-85-47.
- «EDV-Servise» М.Ч.Ж. – Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 б, М-1, 5-уй, тел.100-05-16, 100-05-17, 132-10-98.
- «Небо» Х.Ф. – Пушкин кўчаси, «Сафсар» дўкони («Philips»), тел.100-10-49.
- «Камолот» кичик корхонаси (Қ.К.) – Бобур кўчаси, 22, тел.100-31-27, 53-32-49.
- «Мастер Пресс» Қ.К. – «Ўзбекистон овози» кўчаси, 1, «Дунё» супермаркети.Усмон Юсупов кўчаси, «Ўрда» дўкони, тел.100-01-68, 41-50-10.
- «Найн-Шарк» М.Ч.Ж. – Навоий кўчаси, М-4, 11-уй, «DAEWOO» автосалони.Усмон Юсупов кўчаси, «Динамо» дўкони.
- «Россингер» М.Ч.Ж. – Наримон Ҳожибоев кўчаси, 43,62-АТС, тел.100-03-84, 162-64-47.
- «Shark Mir» Қ.К. – Отатурк кўчаси, 2, «Mir» супермаркети, тел.100-09-93, 100-09-94.
- «Шифоний» Х.Ф. – Метронинг «Максим Горький» бекати, «LG TV AV Audio Video» дўкони, тел.67-94-90.
- «Суғурга сервис» М.Ч.Ж. – Халқлар дўстлиги кўчаси, 7, тел.100-01-74, 45-65-23.
- «Тошкент» меҳмонхонаси – Буюк Турон кўчаси, 56, 3-қават, «Бизнес маркази», тел.100-07-32.



*Сизларга бахт ва
омад ёр бўлсин!*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳбекати, 8.
Телефонлар: 100-00-15, 100-00-16, 100-01-62, 45-12-55.
Факс: 45-23-50.

НАВРЎ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Асли касби-корим дехкон, ота-боболарим ҳам. Мен ўз ота касбимга умр бўйи содиқ қолдим...



демоқчиман. Бунда илм ҳам, тажриба ҳам, барчаси табиат қонуниятлари билан боғлиқ бўлади.

Узбекистон ерлари ҳосилдор, суви шарбат, ҳавоси яшаш учун қулай, роҳатбахш.

Албатта, бу соҳада истиқлолимиз тўғрисида анчагина ишлар қилинди.



риш керак. Ундан ташқари, бу ишларнинг ҳаммасини ҳам вақти-соати, мароми, яъни йил фасллари билан боғлиқ томонлари бор.

майиз қилиш, улардан турли ширинликлар ишлаш, ё бўлмаса консервация қилиш учун жуда катта имкониятлар бор.

Мен самолётда келаётганда кичкинагина идишларда тайёрланган мурabbo (жеме)ни нонуштага беришди.

Наврўз байрами келди. Ота-боболаримиз одатига қўра, қўчат экиб, янги боғроғлар барпо этиш айёмидир.

Маҳмуд МИРЗАЕВ, Шредер номидаги боғдорчилик узумчилик ва вичочлик илмий-тэкшириш институти бош директори.

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

«ЎЗБЕКТЕНДЕРҚОНСАЛТИНГ»

агентлиги томонидан 1998-йилнинг 2-чорагида озиқ-овқат маҳсулотларини келтириш учун танлов ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасидаги белгиланган станцияга СІР шартларида шакар келтириб бериш бўйича:

- 1. ДП "Табан компани", 369.9 дол./тн.
2. ХФ "Бешёғоч", 382 дол./тн.
3. Ф "Ориён", Самарқанд ш., 383 дол./тн.

Ўзбекистон Республикасидаги белгиланган станцияга СІР шартларида сариеғ келтириб бериш бўйича:

- 1. ХФ "Бешёғоч", 2070 дол./тн.
2. ЖК "Шайхонтоҳурсавдо", 2080 дол./тн.
3. РУТАО "Матлботчи", 2150 дол./тн.

Тошкент шаҳрида байрам шодиёналари бошланди. 1-шаҳар шифохонаси хизматчилари 17 март кунини ўзлари ва беморлар учун ажойиб «Наврўз» дастурхонини тўзди.

Байрамга санъаткорлар файз киритишди.

СУРАТДА: байрам лавҳалари. Т. КАРИМОВ олган суратлар.



"КАФОЛАТ"

Давлат акциядорлик суғурта компанияси

Кўп миллатли Ўзбекистон халқини

Наврўз

байрами билан муборакбод этади.

Азиз ватандошлар, барчангизга сижат-саломатлик ва бахт-саодат, келгусида мамлакатимиз — Ўзбекистон буюк ва қудратли бўлиши учун қилаётган эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Биз доимо сизнинг хизматингиздамыз, азиз ватандошлар! Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

ТРИДАТЬ ПЛЮС. Бардан ва татак бўлишини учун. Шаҳар дориконаларидан сўранг.

Қўшма қорхона тошкент шаҳридаги омборидан «ЛЕ САФР» фирмасида ишлаб чиқарилган. КУРУК, ФАОЛ, ТАБИЙ хамиртуруш ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«Уқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт директори Р. Мирзаева отаси Олим МИРЗАЕВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур тўзия изҳор қилади.

«Ўзбекирлашу» бошқаруви ва жамоаси республика матлубот кооперацияси фахрийси ва уруш қатнашчиси Сафар ОМОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига чўқур тўзия билдиради.

Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатири театри жамоаси театр артисти Хусан Мусабоевга кўзи НОДИРАнинг вафоти муносабати билан чўқур тўзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўқ ва қонунилик 136-07-94; Иттиҳодият 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Матбуот 136-35-60, 132-10-65; Захир 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Кўз бичими А-2. Газета IBM компютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашарчи муҳаррир — Н. Жалил. Нашарчи — Ш. Каримов. Мусаҳҳах — Ф. Усмонов.